

## **2008-5-сон**

**Судланувчига инсонпарварлик ва одиллик принципларига амал қилинмаган ҳолда оғир жазо тайинланганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 14 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2007 йил 7 февралдаги ҳукмига кўра, А. НКМК марказий кон бошқармасига қарашли «Мурунтау» шахтаси бошлиғи С.ни 2003 йилда уни ишдан ноҳақ бўшатилишига сабабчи бўлган деб ҳисоблаб, хизмат вазифасини бажариб турган вақтида ўлдиришга суиқасд қилганликда айбдор деб топилиб, Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси 2-қисми «г» банди билан 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган ҳамда унга нисбатан 2006 йил 30 ноябрдаги амнистия акти татбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми тўртдан бирига қисқартирилган.

Жиноят кодексининг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлаш зарурлиги ушбу кодекснинг 8-моддасида шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши белгиланган.

Жиноят иши материалларига қараганда, суд томонидан А.га нисбатан юқорида қайд этилган қонун моддалари талабларига амал қилинмаган. А. жиноят содир этган пайтда 70 ёшга кирган бўлиб, кекса ёшда эканлиги ва касалмандлиги эътиборга олинмасдан, унга оғир жазо тайинланган.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2008 йил 17 апрелда А.нинг кекса ёшда эканлиги, касалмандлиги, жиноятнинг

тугалланганлигини, жазо ўташ пайтида ахлоқан тузалиш йўлига кирганлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, А.га тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини, Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, 15 йилдан 10 йилга ўзгартириш ва 2006 йил 30 ноябрдаги ҳамда 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия актларини татбиқ этиб, унга тайинланган жазонинг ўталмаган қисмларини учдан бирига қисқартириш ҳақида ажрим чиқарди.

***Назорат иши № ЖСХ-54-08***